ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА НЕОМИФОЛОГИЗМ МУАММОСИ

М.КУЧКОРОВА

В статье рассматривается место и роль неомифов в художественной системе современной узбекской прозы. На примере творчества Х.Достмухаммада, У.Хамдама и И.Султана предпринята попытка расскрыть сущность понятия "неомиф", показать его структурообразующую и смыслообразующую роль в произведениях данных писателей.

The article discusses the place and the role of neomiths in the literary system of modern Uzbek prose. In the example of creative activity of the poet Hurshid Dostmuhammad, Ulugbek Hamdam and Izzat Sultan the author tries to depict the essence of the notion "neomith" and to show its structure forming and meaning forming role in the works of these writers.

Ўзбек адабиётшунослигида неомифологизм муаммоси мутлақо ўрганилмаган назарий масалалардан бири саналади. "Неомиф" атамаси русча-ўзбекча адабиётшунослик терминлари луғатида ҳам, энг сўнгги нашр Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиевaларнинг "Адабиётшунослик луғати"да ҳам учрамайди [1]. Бироқ адабиётшунос Н.Владимирова сўнгги тадқиқотида бу янгиланишни англаб, шундай ёзган: "Бир қатор ҳозирги ўзбек носирлари замонавий инсон ҳақида ўз хусусий "миф"ларини яратган ҳолда шу йўлга чиқдилар. Неомиф яратаркан, ёзувчилар Инсон йўли (туғилишдан ўлимга қадар)ни бадиий идрок этишнинг ўзгача, ноклассик усулларини топишга ҳаракат қилмоқдалар. Омон Мухтор, Назар Эшонқулов, Ҳамид Исмоилов, Улуғбек Ҳамдамов – уларнинг ҳар бири инсон мавжудлигининг бадиий манзарасини ўзича, анъанавий миф билан "янги" шахс ҳақиқатини синтезлаштирган ҳолда чизмоқда" [2.175-176]. Мазкур жараён, айниқса, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, И.Султон ижодида (роман, қисса, ҳикоялар) бўртиб кўринади.

Неомифологизм тушунчасини аниқлаштириш учун, аввало, унинг "миф" ва "неомиф" билан генетик алоқаси ва фарқли жиҳатларини чегаралаб олиш керак. А.Миронов неомифологик роман (роман-миф) мавзусида тадқиқ олиб борар экан, айнан шу масала юзасидан баҳс юритади. Тадқиқотчининг қатор ишлари бевосита мазкур мавзу билан алоқадор [3,4,5,6].

А.Миронов **"миф"**нинг ибтидоий одам ва бугунги замонавий киши учун фарқли тушунчалар эканлигини шундай изоҳлайди: "Шундай қилиб, миф қадимги инсон учун – реаллик, ҳозирги инсон учун эса – метафора, яъни мифдаги мавжудлик метафора бағридаги ҳаётдир" [3.904]. Фольклоршунос М.Жўраев эса мифологик мактаб ва унинг назариётчилари таълимотини ўрганар экан, "миф қадимги одамнинг воқеликка бўлган онгсиз ҳиссий муносабати бўлиб, табиат ва жамият ҳаётининг турли қирралари моҳиятини тушунтирувчи энг қадимги тасаввурлар силсиласи" – деб тушунтиради [7.75].

Демак, миф қадимги одам учун ишончли ҳикоя бўлса, замонавий киши учун олам ва одам, ибтидо ва интиҳо, яратиш ва яралиш ва ҳ. мавзуларни изоҳловчи афсона, яъни метафорик-рамзий-мажозий оғзаки ҳикоялардир. Бизнингча, "неомифологик асар" (роман-миф, ҳикоя-миф, эссе-миф) тушунчаси ёзма адабиёт учун хос тушунча бўлиб, у қадим инсоният яратган мифлар, мифологик образлар, сюжет ва мотивлар асосида юзага келади. Дунё халқлари жуда қадимий мифларга бой. Жумладан, антик юнон, араб, рус, немис, туркий халқлар мифологияси ва ҳ. Ҳар бир халқ ўз мифларга эга. Мифларни ўрганувчи соҳа фольклор илмида мифология деб аталади. Замонавий ижодкор учун халқ ижоди, ўз халқининг ёзма адабиёти ва жаҳон халқлари адабиёти ва шу билан бирга қадимий турли халқлар яратган бой, сирли мифлар катта ижодий энергия, омил бўлиб хизмат этиши мумкин. Шу маънода, XX ва XXI аср ижодкори олам ва одам ҳақида ўзининг шахсий субъектив мифларини ярата бошлади, десак хато бўлмайди. Муайян ижодкор томонидан яратилган субъектив миф, ёки мифологик тафаккур асосида шаклланган бадиий асар қурилмаси, мифологик образ, мифологемалар иштироки, сюжет ва мотивлари неомифни ташкил этади. "Неомиф" атамасидаги "нео" – сўзи "янги" деган маънони беради. XX аср ижодкорлари яратган неомифологик асарлар мазмун-моҳиятан қадимий мифларга янгича қараш, янгича талқин бериш демакдир. Аммо айнан мифларни такрорлаш эмас, мифологик сюжетга, мифологик образга (мифолегемаларга) янгича нигоҳ ташлашдир.

Демак, замонавий ижодкорнинг мифларга янгича руҳ, янгича маъно юклаши неомифологизмни пайдо қилади. Бу маънолар бадиий тасвирий воситалар метафора, истиора, рамз, мажоз, аллегория, ассоциатив образлилик орқали амалга оширилади. А.Миронов рус ва жаҳон романчилигида шуҳрат қозонган Ф.Кафканинг “Жараён”, “Қалъа”, Т.Манннинг “Сеҳрли тоғ”, Ж.Жойснинг “Улисс”, М.Булгаковнинг “Уста ва Маргарита”, А.Платоновнинг “Чевенгур”, “Котлован”, Г.Г.Маркеснинг “Юз йил ёлғизликда”, А.Камюнинг “Вабо”, У.Фолкнернинг “Ҳикоя”, Ч.Айтматовнинг “Кунда” каби асарларини неомифологик роман деб белгилайди [4.4].

Ўзбек адабиётшунослигида неомифологик образнинг классик намунаси Х.Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикоясида кузатилади. Тадқиқотчи ва олимларимиз Д.Қуронов, Г.Сатторова, Н.Довурбаева, Б.Рўзимуҳаммад, М.Қўчқоровалар жажман (“Жажман” ҳикояси ва “Бозор” романи) образи борасида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини баён этишиб, ҳатто бир-бирлари билан баҳслашишди. Уларнинг жажман образи хусусидаги фикрлари қуйидагича: “Жажман – еб тўймас юҳо” [8], “Жажман –нафс рамзи” [9.57], “ножинс махлуқ жажман эса – шайтоний нафс рамзи” [10.128]. Мазкур фикрлардаги ўхшашликни, яқинликни сезиш қийин эмас. Бизнингча, Жажман – неомифологик образ, ҳикоя неомифологизм асосига қурилган, зардуштийлик таълимотига кўра иккига бўлинган олам эзгулик ва ёвузлик ҳақида ҳикоя этади. Асар қаҳрамонлари Зардушт бобо, Ахурамазда (эзгулик худоси), Ахриман (ёвузлик худоси) ва ёзувчининг юксак бадиий тафаккури натижаси ўлароқ яратилган номаълум махлуқ (бўйи бир қарич, қорнида қопчиғи бор – бу жиҳати билан кенгуруни эслатади, юзи гоҳ тулки, гоҳ сичқон, гоҳ олмахон, гоҳ одамни эслатувчи номаълум жинс) ва оломон (пистафуруш, жийдафуруш, ёнғоқфуруш, туршакфуруш ... фурушлар) образини ташкил этади. Ҳикоядаги неомифологик образ *“жажман”* **–** Ахриманнинг яратиғи. Зеро, бу мифологик образ ҳақида манбаларда шундай дейилади: “Ахриман илон, аждар ва бошқаларни яратади” [11.140-141]. Мифологик махлуқлар образи қадимги дунё халқлари мифларида тез-тез учрайдиган образлардан саналади. Масалан, юнон адабиётида *“сфинкс”* (Софокл “Шоҳ Эдип” трагедиясида) ва *“бир кўзли Циклоп”* (Гомернинг “Илиада” достонида) каби даҳшатли махлуқлар образи учрайди. Х.Дўстмуҳаммаднинг *жажмани* юнон мифлари натижасида яратилган Сфинкс, Циклоплардек баҳайбат, инсон юрагига қўрқув солувчи махлуқ эмас. Жажжигина, атиги бир қарич, кўринишидан беозор, унинг турқи эврилишга мойил, турли хил қиёфаларга киради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “жажман” сўзи жажжи (бола) дея изоҳланиб, Ойбекнинг “Навоий” романидан шу сўзли парча мисол сифатида келтирилган [13.64]. Бизнингча, ёзувчи махлуқнинг беш хил қиёфага киришини (кенгуру, сичқон, тулки, олмахон, одам) бежиз тасвирламаган. Ҳар бир қиёфада муайян рамзий ижтимоий, руҳоний муаммолар яширин. Масалан, халқ эртакларида тулки – айёр, сичқон – текинхўр, олмахон – илгир, эпчил образ сифатида намоён бўлади. Ёзувчи *жажманнинг* метаморфозага учровчи қиёфалари орқали жамиятдаги турли салбий ижтимоий иллатларга ишора этади. Чунончи, текинхўрликка (сичқон қиёфасида), тилёғмаликка (тулки қиёфасида), нафсининг ҳакалак отишига (кенгуру қиёфасида. Унинг қорнида қопчиғи бор. Бу айни пайтда янада қаватма-қават маъноларни англатади. Нафси ҳакалак отганларга рамзий ишора), эпчилу, жамиятда ўз мавқеини мустаҳкам эгаллашга ҳаракат қиладиган истеъдодсизларга, аммо ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдиган кимсалар олмахонга ўхшаб баланд жойларга осилишади, дея мазкур қиёфаларга қаватма-қават маъно юклайди. Жажманнинг энг охирги қиёфаси *“одам”*, демак, ёзувчи чин инсон бўлиб етишмоқ учун юқоридаги ҳайвонларга хос салбий хислатларни эмас, уларга хос бўлган ижобий фазилатларга, масалан, ҳаракатчанлик (кенгуруга хос, узоқ масофага чопади.), эпчиллик (сичқонга хос), ақлилик (тулкига хос), илгирлик, гўзаллик (олмахонга хос)ка соҳиб бўлмоғи керак, деган рамзий-фалсафий мушоҳадалар юритади. Х.Дўстмуҳаммаднинг жажмани кучли метафорик образдир.

Қолаверса, беш хил қиёфага кирувчи жажманга ўхшаш мифологик образ “Дунё халқлари мифлари энциклопедияси”да учрайди [12.394]. Бу мифологик образ *сабдаг* деб аталади, сўз тибет тилидан олинган бўлиб, “ер эгаси” деган маънони англатади. Тибет мифологиясига кўра сабдаг халтали, ҳассали кампир, зоантропоморф қиёфали, танаси инсон, боши сичқон, каламуш, суғур, чўчқа, тўнғиз шаклида тасаввур этилади. Унинг ҳар бир қиёфаси битта нарсага ишора беради. Фикримизча, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад *жажман* мифологик образини яратишда дунё халқлари мифларида мавжуд бўлган шу типдаги мифологик образларга (жумладан, *сабдаг*) таянган. “Жажман” ҳикоясининг яратилишига нафақат туркий халқлар

мифологияси, балки жаҳон халқлари мифлари ҳам асос бўлганлиги фикрларимиздан англашилмоқда.

Ҳикояда зардуштийлик дини ва у ҳақдаги диний мифнинг трансформациясини кузатиш мумкин. Зеро, М.Жўраев зардуштийлик мифологияси билан боғлиқ образлар ҳақида шундай фикрни билдиради: “Халқ оғзаки ижодида анъанавий тарзда қўлланилувчи аждар, дев, пари, Семурғ, Жўмард, Аранжа бобо, ***Ахриман*** (таъкид – бизники. М.Қ), Аранглар, Заҳҳок, Сиёвуш, Ҳубби, Ашшадорози, Суст хотин, Ҳайдар каби кўплаб асотирий образларнинг тарихий асослари зардуштийлик мифологиясига бориб тақалади” [7.91]. Олимнинг фикрларидан сўнг тўла ишонч билан Х.Дўстмуҳаммаднинг “Жажман” ҳикояси сюжети ва образига зардуштийлик мифологияси туртки берганлигини қайд этмоқчимиз. Ахриман ва Ахурамазда, Заратуштра образлари ҳам эрон халқлари мифологиясига кўра ёвузлик ва эзгулик худоси сифатида талқин этилганлиги “Дунё халқлари мифлари энциклопедияси”да алоҳида қайд этилган [11.140-142].

Неомиф асар яратишнинг ўзига хос шартлилик табиати мавжуд. Жумладан, Одам Ато билан Момо Ҳаво, ака-ука Қобил ва Ҳобил, Нуҳ пайғамбарнинг кема саёҳати, Қиёмат куни ҳақидаги, юнонларнинг Сизиф, Прометей, Зевс, Посейдон, Нарцисс сингари мифологик қаҳрамонлари, немис халқининг Фауст ҳақидаги турли-туман мифлар сюжети замонавий ижодкорлар учун бадиий-мифологик модель бўлиб хизмат этди. Чунончи, немис халқининг Фауст ҳақидаги қадим афсоналари асосида Иоганн Вольфганг Гёте “Фауст” трагедиясини, XX асар бошларида иккинчи немис адиби Томас Манн “Доктор Фаустус” романини яратди.

XX аср бошларида Абдурауф Фитрат томонидан яратилган “Қиёмат” ҳикояси ҳам диний мифология асосида яратилган бўлиб, жамиятдаги ижтимоий салбий иллатлар танқид остига олинади. Қиёмат куни тасвири рамзий метафора бўлиб хизмат этган.

“Жажман” (Х.Дўстмуҳаммад) мотиви Заратуштра ҳақидаги мифнинг трансформацияси бўлса, шу муаллифнинг “Ибн Муғанний”, “Ўзим”, “Қичқириқ”, У.Ҳамдамнинг “Лола”, “Пиллапоя”, “Бир пиёла сув” ҳикоялари кўп жиҳатдан юнон афсонаси “Сизиф ҳақидаги афсона”нинг қайта ишланган, трансформациясидир. Қаҳрамонлар хатти-ҳаракатидаги такрорийлик Сизиф харсангтошни қайта-қайта тоғ чўққисига олиб чиқиши, ерга думалаб тушиши, бу жараённинг яна такрор бажарилиши Х.Дўстмуҳаммад ва У.Ҳамдам ҳикоялари қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатида ёрқин кузатилади. Чунончи, қор уюми ичида қолган Ибн Муғаннийнинг қорга ботиб кетмай олдинга силжиш машқи, қаҳрамон олдида янгидан-янги қор тепаликларининг пайдо бўлиши; кўрпа-тўшагини ортмоқлаб, бахтини излаб йўлга чиққан қаҳрамон ҳаёти (“Ўзим”); тоғ тепасидаги лолани олишга интилиш, тоғни забт этдим деганида қаҳрамон олдида яна шундай янгидан-янги чўққиларнинг пайдо бўлиши (“Лола”), қаҳрамон олдида узундан-узун, адоқсиз пиллапояларнинг пайдо бўлиши (“Пиллапоя”), арава судраб манзилга ошиққан қаҳрамон хатти-ҳаракатлари (“Бир пиёла сув”) қайсидир маънода юнонларнинг машҳур Сизиф ҳақидаги афсонасини эслатади. Х.Дўстмуҳаммад “Ибн Муғанний” ҳикоясида бир оила тимсолида фикрсизлик инсоният учун энг катта фожиа эканлигини кўрсатиб берди. Адиб ниҳоятда фикрпарварликни севади, инсониятнинг, жамиятнинг тараққиёти учун дунёқарашнинг кенг бўлмоғи кераклигини кўплаб рамзий, неомифологик асарларида илгари суради.

Мифлар ижодкорлар учун бадиий архетип вазифасини ўтайди. Неомифологик асар ва унда акс эттирилган неомифологемалар (образлар) жамиятдаги муайян ижтимоий, маиший, маънавий-ахлоқий, руҳоний ҳодисаларнинг тимсолли ифодасидир. Воқеликнинг, руҳият қатламларидаги муайян оний кайфиятлар ва ҳолатлар, вазиятларнинг метафорик, рамзий ифодаси учун мифлар бадиий шартлилик вазифасини ўтайди. Неомифологик асарларда мифлар сюжети, мифологик қаҳрамонлар баъзан очиқ-ошкора муайян, аниқ бир халқ мифига ишора бериб турса, баъзида эса ёпиқ, яширин ҳолатда келади. Неомифологик асарнинг иккинчи шаклида эса ёзувчининг дунё халқлари мифологиясидан фойдаланганини мантиқий тафаккур орқалигина англаб етиш мумкин. Неомифологик роман жанрида мифлардан фойдаланишнинг жуда кенг имкониятлари туғилади. Бу ёзувчи учун беҳад эркинлик беради. Чунки роман ҳажман йирик асар саналади. Дунё адабиёти ва ўзбек адабиётида неомифологик асарларни кузатиш ва излаш натижасида Жойснинг “Улисс” романи юнон мифологияси заминида яратилганига гувоҳ бўлдик (Рус олимларининг тадқиқотларида бу масала ўрганилган). Ўзбек адабиётшунослигида Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” ҳамда Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романида неомифологизмдан унумли истифода этилганини қайд этмоқчимиз. У.Ҳамдам “Исён ва итоат” асарида мифлардан фойдаланишнинг бироз

бошқача йўлидан боради. Ёзувчи мазкур романида Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақидаги диний мифология билан бугунги кун кишисининг тақдирини параллел бериш услубини қўллайди. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романида эса бирмунча мураккаб, оригинал бадиий тафаккур натижаси сифатида яратилган неомифологик образни кузатиш мумкин.

Хулоса шуки, неомифологизм ва унга хос шартлилик табиатини тадқиқ этиш ҳозирги адабий жараён учун ниҳоятда долзарб мавзу саналади.

Адабиётлар:

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т.: Академнашр, 2010. 400 б.
2. Владимирова Н.В. Онтологическая художественная картина мира в современной узбекской прозе. / Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода.- Т.: Фан, С. 175-176.
3. Миронов А.В. Принципы исследования неомифологического романа XX века (жанровый аспект) // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского.- 2010.-№4 (2).- С. 903-906
4. Миронов А.В. Не мир, но миф, или что принесла с собой тотальная мифологизация литературы: на примере взаимодействия мифа и романа (электрон вариант)
5. Миронов А.В. Миф и романное мышление XX века (электрон вариант);
6. Миронов А.В.. Жанровый инвариант и типология неомифологического романа XX века (электрон вариант).
7. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари.- Т.: Фан, 2009
8. Довурбаева Н. Жажманнинг жилвалари // Ёшлик. 1991.
9. Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий талқин.- Т.: Фан, 2007
10. Қўчқорова М. Истиқлол даври ҳикоя ва қиссаларида бадиий-эстетик янгиланиш / Бадиий сўз ва руҳият манзаралари.- Т.: Муҳаррир, 2011
11. Ахриман. // Мифы народов мира. Энциклопедия том 1.- М.: Советская энциклопедия, 1980
12. Сабдаг. // Мифы народов мира. Энциклопедия том 2.- М.: Советская энциклопедия, 1988
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд.- Т.: Ўзбекистон давлат миллий энциклопедия, 2006

ЎзФА Тил ва адабиёт институти,
2012 йил 29 августда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)